O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 57 (9.401) 2000 йил 15 май, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ – МАНГУ БАРҲАЁТ

Президент Ислом Каримовнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Ҳурматли оқсоқоллар!

Аввалambор, мана шу гўзал майдонда тўпланиб турган, узоқ-яқиндан келган, бугунги эзгу ишга дахлдор бўлган сиз, азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга чин қалбимдан ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Ҳурматли жамоат!

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда — кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, албатта.

Одамларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган қатағон йилларида бу кўримсиз жарлик — Алвасти кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига қўрқув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуғ зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганини яқингача кўпчилик билмас эди.

Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган. Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, ишчи-хизматчиларнинг бегуноҳ қурбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сиғмайдиган аянчли бир ҳолдир. Ана шу азиз аждодларимизнинг арвоҳлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан, мана шундай кунларни кутар эди.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлсада, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Азиз юртдошлар!

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.

Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликкa, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси янада яққол намоён бўлади.

Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.

Аслида, биз қўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, миллатимизнинг қадр-қимматини, унинг шаъни ва ғурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва халқимизнинг обрў-эътиборини янада юксалтириш, демакдир.

Бугун ана шу олижаноб мақсад йўлида яна бир қутлуғ қадам қўйилди.

Биз бугун шу табаррук зиёратгоҳда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз.

Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас.

Қатағон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимизни бажо келтириб, шу муборак жума тонгида қилган барча дуои фотиҳаларимиз, илоё, ижобат бўлсин.

Бугунги маросимда узоқ-яқиндан келган ҳамюртларимиз ва меҳмонларимиз орасида Ватанимиз озодлиги, бегубор ҳаётимиз, авлодлар бахт-саодати йўлида қурбон бўлган инсонларнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари иштирок этаётгани тарихимизда адолатнинг яна бир саҳифаси тикланаётганидан далолатдир.

Биз буни ўша қатағон йилларида эзилган, қадр топмаган қанча-қанча одамлар орзиқиб кутган қутлуғ кунларнинг тантанаси, деб қабул қилмоғимиз даркор.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Шу қурилиш давомида ўтганлар руҳини ёд этиб, минглаб юртдошларимиз, муҳтарам нуронийларимиз, зиёлиларимиз, адабиёт ва санъат аҳли, турли касб эгалари ҳашарлар уюштириб, беғараз меҳнат қилгани — алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовор.

Мана шундай бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, барча хайрли ишларга доимо тайёр, қалбида меҳр-оқибат туйғуси ҳеч қачон сўнмайдиган, озодлик йўлида жон берган фарзандларининг табаррук номларини ўз хотирасида ҳамиша сақлаб келадиган, бағрикенг, виждони уйғоқ халқимиз асло кам бўлмайди, иншолло.

Муҳтарам юртдошлар!

Бугунги унутилмас, савобли ва тарихий бир воқеанинг асосий иштирокчилари бўлмиш мана шу ёдгорлик мажмуини бунёд этган моҳир қурувчилар ва қўли гул усталарга, меъмор-муҳандисларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Гўзал боғ-роғлар яратиб, бу жойни обод қилишда қатнашган қадимий Юнусобод аҳлига, барча ҳамшаҳарларимизга таъзим қиламан.

Шу улуғ ва беғараз ишларга ҳисса қўшган қўлларингиз дард кўрмасин, бошингиз омон бўлсин!

Азиз ватандошларим, муҳтарам юртдошларим!

Шу лаҳзаларда ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечаётган бир туйғуни ифода қилиб айтмоқчиман: шаҳидларнинг руҳи шод, охиратлари обод бўлсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, озодлик ва истиқлолимиз абадий бўлсин!

Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини барпо этишга қарор қилинган эди. Шу қисқа вақтда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо айлаган эл ўғлонларининг қутлуғ хотирасига пойтахтда муаззам хиёбон бунёд этилди.

12 май, муборак жума тонгида уфқдан бош кўтарган қуёш пойтахтимиз марказидан оқиб ўтувчи Бўзсув соҳилида ажиб бир манзаранинг гувоҳи бўлди. Бир вақтлар киши ёлғиз юришга юраги бетламайдиган хилват гўшани бугун таниб бўлмайди. Буралиб оқаётган Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва ям-яшил сайхонлик. Бунда яшил либос кийган дарахтлар, шаршара бўлиб қуйилаётган фавворалар, саккиз устун кўтариб турган нилий гумбаз, текис ва бежирим йўлкалар киши кўнглида ҳам фараҳ, ҳам ҳазин бир кайфият уйғотади.

Ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, пойтахт жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрган.

Ўн етти гектарлик кенг ҳиёбон узра шаҳидлар хотирасига бағишлаб ўқилган Қуръон оятлари янграйди. Сўнг анъанага мувофиқ, йиғилганларга наҳорги ош тортилди.

Ёдгорлик пойида ўтказилган хотирлаш маросимида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмуини айнан шу жойда — кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, деди Юртбошимиз. Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга ва бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган кўплаб ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлсада, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду ғами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурриётлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси Наим Каримовга сўз берилди. Бундан тўққиз йил илгари, Ватанимиз истиқлолидан аввал, шаҳидлар хотирасини шунчалик эъзозлаш мумкинлигини ҳатто тасаввур қилиб бўлмас эди, деди у. Лекин Ватан мустақиллиги учун курашганлар эрк ва озодлик фидойиларининг умиди ўлмаслигини кўрсатди. Қатағонга учраганлардан бири қўлида кишан билан сўнгги йўлга кетаётиб, ҳомиладор хотинига қарата, қиз кўрсанг, исмини Умида, ўғил туғилса, Нажот қўйгин, деган экан. Бугунги маросим аслида ўша умид қилинган НАЖОТнинг етиб келганини исботлаб турибди.

Қатағон балоси фақат зиёлиларнигина ўз комига тортмаган, истибдоднинг оловида ҳўлу қуруқ баравар ёнган. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида бир туман миқёсидаги раҳбар қамалгач, унинг «думи» сифатида яна эллик саккиз киши бадарға этилган экан. 130 йиллик мустамлака даврида эса Ватаннинг қанчалаб асл ўғлонлари эрк орзусига етолмай, тупроққа бош қўйганини бугун аниқ айтиш қийин. Лекин улуғ шоиримиз Чўлпон ёзганидай: «Йўқ, ўлим йўқ. Бир ўчиб сўниш, яна ёниш бор!». Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аждодларимиз халқимиз хотирасида абадий барҳаётдир.

Маросимда қатағон қурбонларининг авлодлари, яқин қариндошлари — Холида Аҳророва, Мутал Бурҳонов, Рафиқа Абдуғаниева, Назира Қодирова, Эгамназар Қодиров сўз олиб, қатағон даҳшатлари, шаҳидларнинг бегуноҳ оила аъзолари чеккан жабр-зулм, бемисл азоб-уқубат ҳақида сўзладилар. Ўша мудҳиш кунларнинг қайтмас бўлиб кетиши ва шаҳидлар табаррук номларининг тикланиши борасида улкан ишларни амалга ошираётган Президент Ислом Каримовга миннатдорлик туйғуларини изҳор этдилар. Ана шундай хайрли ишлардан бири бўлган мазкур муаззам боғ эса шаҳидларнинг хотирасига қўйилган муносиб ёдгорлик эканини таъкидладилар.

Маросим якунлангач, Президент Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз бугунги авлодлар Ватан ва халқ бахт-саодати йўлида қурбон бўлган аждодларимиз олдида қарздор эканини таъкидлади. Бугун очилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи ана шундай қарзни узиш йўлидаги бир қадамдир. Айни пайтда бу ёдгорликни ҳақиқат ва адолат тантанаси сифатида ҳам тикладик, деди мамлакатимиз раҳбари. Чунки адолат ва ҳақиқат барибир рўёбга чиқади. Адолат ва ҳақиқат бўлмаган жойда эса демократия ҳам бўлмайди, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам иложи йўқ.

Ана шундай буюк мақсадларни ўз фаолиятига шиор қилиб олган бобомиз Амир Темур улкан ва шавкатли давлат қуриш йўлида қанчадан-қанча мушкулотларни бошидан кечирган, қамоқларда азоб чеккан, саҳроларда дарбадар кезган. Лекин у ўз мақсади йўлида собит бўлгани учун ҳам, охир-оқибатда ниятига эришган. Ўша сабот-матонат халқимизга меросдир. Шу сабот буюк келажагимизнинг гаровидир.

«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи илк кунданоқ зиёратчилар билан гавжум бўлди.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА мухбири.
СУРАТЛАРДА: маросимдан лавҳалар.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

• «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилишига бағишланган бошқа материалларни газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтдан телеграмма келди. Унда қабул маросими чоғида кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром учун миннатдорчилик билдирилган.

● Ўтган шанба куни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида бошоқли экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлик ва ғўза парваришини кучайтириш масалаларига доир селектор йиғилиши бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Кенгашининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси 1999 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган ҳисобот кўриб чиқилди.

● Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимизга Германиянинг Кредитанштальд фюр Видерауфбау банки делегацияси ташрифининг якунлари ҳақида сўз борди.

● Тиббиёт оламида яна бир янгилик кашф этилди. Тошкент вилоятида илк бор ер юзида кенг тарқалган касаллик — қандли диабетга қарши ишончли восита — «Глипил» ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Республика Миллий матбуот марказида «XX аср дунёсининг 500 нафар йирик алломаси» рўйхатидан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, Халқаро Патология академиясининг Марказий Осиё бўлими президенти Малика Абдуллахўжаева ҳаётига бағишланган «Аллома аёл» китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Мирзо Улуғбек номидаги Миллий Университет билан ҳамкорликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳиби, академик Саъди Сирожиддинов фаолиятига бағишланган илмий анжуман ўтказди.

● Андижон вилояти Хонобод шаҳридаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғида атоқли санъат устаси, аскиячилар ва комик актёрлар устози, Ўзбекистон халқ артисти Соиб Хўжаев туғилган куннинг 80 йиллиги муносабати билан «Табассум байрами» ўтказилди.

● Бухоро вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига кирувчи муассасалар бадиий жамоалари ўртасида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» деб номланган республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

● Республика Радио уйида антиқа шоу ўтказилди. Бугунги кунда ёшларимизнинг севимли ахборот манбаларига айланган «Сезам», «Ёшлар», «Гранд» радио каналларининг таниқли бошловчилари саҳнада ўзаро беллашдилар.

● Истеъдодли кинорежиссёр Юсуф Розиқовнинг «Воиз» фильми ижодкорлари билан Тошкент Давлат санъат институти талабаларининг ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Унда фильм ижодкорлари фильмни тасвирга олиш, актёрлар билан ишлаш жараёни тўғрисида талабаларга гапириб бердилар.

● Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий маркази, Ўзбекистон Республикаси маданият ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитаси, республика «Ўзбекцирк» давлат бирлашмаси ташаббуси билан Андижон вилоятининг хушманзара Хонобод шаҳрида дорбозлар, цирк санъаткорлари ва ҳаваскор қўғирчоқ театрлари жамоалари республика кўрик фестивали бўлиб ўтди.

● «Мубораканефтьгаз» нефть ва газ конлари бошқармасида буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 664 йиллигига бағишлаб миллий кураш мусобақаси ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● **Кеча** Санкт-Петербургда шаҳар ҳокимини сайлаш маросими бўлиб ўтди. Унда тахминий ҳисобларга кўра ҳозирги раҳбар Владимир Яковлев пешқадамлик қилмоқда.

● **Бугун** Ашгабатга Покистон ҳукумати раҳбари Парвез Мушарраф ташриф буюради. У Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов билан учрашиб, тинчлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан суҳбатлашади.

● **Кеча** Танзаниянинг Мванза шаҳрида Уганда ва Руанда Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Улар икки мамлакатнинг Конго Демократик Республикасидаги Кисангани шаҳрида жойлаштирилган ҳарбийлар ўртасида келиб чиққан қуролли можарога барҳам бериш борасида келишиб олдилар.

● Ҳиндистонда йирик касаба уюшмалари чақириғига кўра мамлакат ҳукуматининг иқтисодий сиёсатига қарши ялпи иш ташлаш ўтказилди.

● Хитойнинг Сичуан вилояти раҳбар ходимларидан 20 дан ортиғи порахўрликда айбланиб, ҳибсга олинди.

● **Бугун** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тожикистондаги ҳарбий кузатувчилар миссияси расмий равишда ўз ишини якунлайди.

● Ўзбекистон Республикасининг Кореядаги элчихонасида илмий-техникавий жиҳозлар бўйича корейс саноат кооперативининг ижрочи директори Ки Тэк Янг билан учрашув бўлиб ўтди.

● Грузиянинг Дманиси шаҳри ёнида олиб борилган қазилма ишлари чоғида икки инсоннинг бош суяги топилди. Мазкур топилмаларнинг ёши 1 миллион 700 минг йилга тенг бўлиб, у бундан 2 миллион йил муқаддам Африкада яшаган одамзотнинг бош суягига ўхшашдир. Суякларнинг ёнида оддий иш қуроллари ҳам топилган.

● Сеул шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида 19 мамлакат вакиллари иштирок этди. Ўзбекистондан саккиз полвон қатнашиб, биттадан олтин, кумуш ва иккита бронза медалига эга бўлишди.

● Японияда бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз Ўзбекистон спортчилари муваффақиятли иштирок этишди. Игорь Халилов олтин медаль соҳиби бўлиб, Сидней олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди.

ЧЕМПИОНГА ХОС ЎЙИН

Ўтган куни мамлакат миллий чемпионатининг ўн иккинчи тур учрашувида «Пахтакор» ўз майдонида «Дўстлик» жамоаси билан куч синашди.

Шу куни меҳмонлар ҳақиқатан ҳам чемпионга хос чиройли ўйин намойиш эта олдилар. Биринчи бўлимда дарвозалар даҳлсиз қолган бўлса-да, аммо иккинчи бўлим голларга бой бўлди. Дастлаб 52-дақиқада Рустам Шоймардонов мезбонлар дарвозасини ишғол қилган бўлса, орадан 8 дақиқа ўтгач Алишер Бозоров гол уриб ҳисобни 2:0 га етказди. 85-дақиқада эса яна меҳмонлар ҳужумчиси Жаъфар Ирисметов дарвозага учинчи тўпини киритди. Орадан бир дақиқа ўтмай Игорь Шквирин зарбаси туфайли ҳисобдаги фарқ бироз қисқарди. Бироқ ҳужумкор ўйин намойиш этган меҳмонлар учрашув тугашига бир дақиқа қолганда яна гол уришди. Бу сафар пахтакорчилар дарвозасини Мухтор Қурбонов аниқ нишонга олди. Хуллас ўйин 1:4 ҳисобида «Дўстлик»нинг ғалабаси билан тугади.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Хоразм» — «Нефтчи» 1:1, «Турон» — «Андижон» 3:2, «Сурхон» — «Қизилқум» 2:1, «Металлург» — «Самарқанд-Динамо» 1:0, «Трактор» — «Зарафшон» 0:1, «Сўғдиёна» — «Навбаҳор» — 1:1, «Гулистон» — «Темирйўлчи» 6:0, «Семурғ» — «Кимёгар» 3:0.

Навбатдаги тур учрашувлари 21 май куни ўтказилади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ.

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...



Бугуннинг қадри

ШАҲИДЛАР РУҲИ ШОД БЎЛДИ

...Озодлиғдаги чин курашчилар, лабзсиз қўрқоқлар, шахсий адоват орқасида бахт кутувчи майда кишилар бўлолмаслар...

Абдулла ҚОДИРИЙ.

ШУ ЙИЛ 12 май — жума куни эрталаб республикамиз фуқаролари Тошкентнинг энг гўзал масканларидан бири — Бўзсув айланиб ўтадиган Юнусобод мавзеида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи очилишига бағишланган маросимдан ғоят мамнун бўлдилар. Негаки, халқимизнинг озодлиги, бахт-саодати йўлида курашиб, жаллодлар томонидан қатл этилган буюк аждодларимиз — миллатимизнинг гуллари бўлмиш — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек ва уларнинг қатор ҳамфикр сафдошлари 1937 йилги қирғинда сталинчи қотиллар томонидан худди шу ерда — «Алвасти кўприқ» деб аталган хилватда тун ярмида отиб ташланганлар... Бу мудҳиш воқеаларни эслаб ҳар куни даҳшатга тушиб, титраб-қақшаб яшаган кўплаб кексалар ҳамон ўша фожиалар ҳақида изтироб, алам, кўзёшлари билан сўзлаганларини телекўрсатувларда миллионлаб фуқароларимиз кўрдилар, эшитдилар... **Бизнинг ёшдагилар ҳамон эслашади, «Алвасти кўприк»дан ўтаётганларида — «шу ерда одам отилар экан» деб этлари жимирлаб кетарди... Бугун бу ерда шундай бир зиёратгоҳ қад кўтардики, борган одам аввало буюк аждодларимиз руҳларини ёдга олиб, улар шаънига ҳурмат бажо келтиради. Айланиб оқаётган Бўзсув устидан атрофга қарасангиз кўкаламзорлаштирилган гўзал бир табиат манзараси, сувнинг салқини ва замини баландлиги туфайли эсиб турган муздек шабада ҳамиша тоза ҳавоси билан танангизни яйратиб туради. Энди бу ер — ҳаммамиз учун МУҚАДДАС жой бўлиб қолди. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий қадриятларимизни тиклаш, ўз миллий тарихимиз, анъаналаримизни ҳурматлаш борасида жон куйдириб келаётган Юртбошимиз бу сафар ҳам ташаббус кўрсатганларига ўзимиз гувоҳмиз. Ўз ўтмишини эъзозлаган шахс — ҳамиша ўзи ҳам ҳурмат-иззат кўриб келаётгани тарихлардан маълум.**

Жума куни эрталаб республикамиз вакиллари, жамоатчилик зиёратгоҳнинг дастлабки меҳмони бўлдилар. Шаҳидлар руҳига қуръон тиловат қилинди. Жонли сўйилиб қурбонлик қилинди. Ош берилди. Юзлаб одамлар дуога қўл очганларда — қалбларимизда нималар кечганини айтиб адо қилиб бўлмайди. Буюк аждодларимизга ачиниш ҳиссиёти билан, «жойлари жаннатда бўлсин» дея, фотиҳага қўл очар эканмиз, шундай савобли ишга бош-қош бўлиб турган Юртбошимизга узоқ умр, бахт-саодат, омонлик, юртимизга тинчлик, саломатлик сўраб яратгандан илтижо қиламиз. Кўплар бу тилакларни йиғлаб қалбларидан куйиб-ёниб ўтказаётганлари шундай кўриниб турарди.

Ошдан кейин яна тиловат бўлди. Йиғилганлар дастурхонга фотиҳа ўқиб Мажмуа марказига бордилар. Юртбошимиз ўз нутқларида ёдгорлик мажмуининг моҳиятини чуқур таҳлил этиб, халқимиз эътиборини янада кўпроқ савоб ишларга жалб этдилар. Ундан кейин сўз олганлар, қатағон қурбонларининг қариндош-уруғлари бу зиёратгоҳ эндиликда бутун ўзбек халқининг энг азиз ва муқаддас қадамжоларидан бири бўлиб қолганини мамнуният билан таъкидладилар.

Мана шу маросимда шахсан иштирок этаётганимда каминада қандай ҳолат рўй берган деб ўйларсиз? Ўзининг бутун онгли ҳаётини, қўлидан келганча меҳнат ва фаолиятини Абдулла Қодирий ижодини тадқиқ этишни 1950-60-йилларда бошлаган, ундан кейин Чўлпон, Фитрат, Беҳбудий, Ғози Юнус, Боту, Элбек, Усмон Носир каби буюк аждодларимизнинг маънавий меросини ўрганишга бахшида этиб, не-не кунларни кечирган одам қўнглидан нималар ўтишини айтиб ўтириш шарт бўлмаса керак. Шу ўринда яна А. Қодирийнинг мана бу аламли сўзлари ёдга келади: қатор йиллар давомида **«матбуот саҳифаларида ўринсиз ва бошқа фақат менга қаратилиб бўлғон ҳақсиз ҳужумлар, англашилмовчиликлар, бемаза иснодлар ва жимжималик замзамалар фақат адоват юзасидандир. Хулоса, адоват мамлакат рангида бўялди...»**

Зиёратгоҳимиз очилишига бағишланган анжуман тугаб, дўстлар билан ўз таассуротларимизни ўртоқлашиб тарқалишаётганимизда ҳурматли биродарларимиз — Эркин Вохидов, Ўткир Ҳошимов, Иброҳимжон Ғафуровлар тўпланишиб турган ерга келиб улар билан кўришдик. **Шу ондаёқ Эркинжон майин табассум билан: «Аҳмад ака, мен сизни кеча эслаган эдим. Роса қувониб кетгандирсиз. Мана, орзуларингиз қанчалик амалга ошаётганини қаранг-а!» дедилар. Бу гапга Иброҳимжон билан Ўткиржонлар ва ёни веримиздаги бошқалар ҳам қўшилиб, ҳаммамизнинг кўнглимиз янада кўтарилди...**

Агар менга «Сизга мустақиллик нима берди!» деб савол берсалар мен дастлаб — миллий-маънавий қадриятларимизни тиклаш учун кенг имконият берди деб жавоб қайтарган бўлардим. Зеро 60-70 йилларда бир қатор амал-тақал билан эълон қилган мақолаларимизга — 80-йилларнинг ўрталарида яна шундай ғов қўйилдики, ўшанда нималар кечганини биз юқорида номларини мамнуният билан тилга олган зотлар ўз кўзлари билан кўришган.

Маросимда сўзга чиққанлардан бири таъкидлаганидек, «Чўлпон ва Фитратларнинг ўзлари «граждан» сифатида оқландилар, аммо ижодлари оқланган эмас» деган уйдирма тарқалганлигини яхши биламиз. Ҳаётда учрайдиган турли зиддиятларни охир-оқибатда энг адолатли ҳал этадиган кучнинг ўзи ҳам ҳаётдир. Бу тарих ҳукми. Бу ҳаётнинг ёзилмаган шундай пухта, адолатли қонуниятики, унинг қудрати — инсоният пайдо бўлгандан буён ёзилган барча қонунлардан қудратлидир. Унга қарши чиқадиган куч — дунёда бўлмаган ва бўлмайди ҳам... **Истиқлолимиз абадий бўлсин! Шаҳидларимиз жойлари жаннатда бўлсин! Юртбошимизни аллоҳнинг ўзи ҳамиша асрасин!**

Аҳмад АЛИЕВ.

ШАРАФ ДОСТОНИ

Ватан ўғлонлари хотирасига

Жилғалар жилдираб сойга келгайлар,
Қошлар камол топиб ёйга келгайлар.
Бир аччиқ аламлар ўйга келгайлар:
Шаҳид кетган ул ўғлонлар гўё
Бугун қаторлашиб тўйга келгайлар.

Умр таронасин тузиб тузмайин,
Йигитлик онида қувнаб кезмайин,
Тириклик боғидан бир гул узмайин,
Гулдайин муаттар кетган ўғлонлар
Боқарлар бизлардан кўнгил узмайин.

Боқарлар Самарқанд минорларидан,
Урганчу Хеванинг деворларидан,
Кўз узмай Дашнобод анорларидан
Боқарлар Сурхоннинг самоларию
Тошкент, Фарғонанинг чинорларидан.

Оламнинг талошу урҳоси надир?
Фалакнинг гулдурос гурроси надир?
Бир йигит ўлса гар дунёси надир?

Олис осмонларда уйғоқ руҳингиз,
Аларнинг Сурайё, Зуҳроси надир?

Сизга буюрмади уйлар, айвонлар,
Сизга тож керакмас, на керак донглар,
Қодирий, Фитрату Чўлпон, Усмонлар,
Мўлтираб боқарсиз шабнамлар бўлиб,
Эсиз, шабнамларга айланган жонлар.

Эсган шамол балки сўзларингиздир,
Отган тонг эҳтимол юзларингиздир.
Япроқлар излаган изларингиздир,
Тоғу тошлардаги гирён булоқлар
Сизнинг зор, нигорон кўзларингиздир.

Ҳаргиз тўхтамагай ҳаёт карвони,
Унда номингизнинг ёру армони.
Сизга авлодларнинг шараф достони,
Ҳурмат эҳтироми Сизгадир юртнинг,
Сизга бул Ватаннинг шавкату шони.

Сирожиддин САЙИИД.

БЎЗСУВ СОҲИЛИДАГИ ЁРҚИН ЮЛДУЗ

2000 йил, 12 май. Бу кун тарихга зарҳал ҳарфлар билан битилади. Бу кун ҳаётимизнинг энг ёрқин саҳифаси бўлиб қолади. Ўша муборак тонг ҳам ўзгача бошланди. Ўтган жума нафақат нуроний қариялар, балки барчамиз учун табаррук кун бўлди.

Заррин қуёш нурида мавжланиб, сокин оқаётган тарихий Бўзсув не-не воқеа ва ҳодисаларнинг гувоҳи бўлмаган дейсиз. Бугун у ҳам ўзани томон яйраб-яшнаб оқади. Унинг икки соҳили ям-яшил сайҳонлик, яшил либос кийган дарахтлар, мисли шаршадек қуйилаётган фавворалар, текис ва бежирим йўлкалар, чор атрофдан яққол кўзга ташланиб турган мармар зиналар «Шаҳидлар хотираси» майдонига келган меҳмону мезбонларни саҳийлик билан ўз бағрига чорлайди.

Ёдгорлик пойи томон оҳиста одимлайман. Ғамгин мусиқа латиф қўшиқ янглиғ юракларнинг қат-қатига бориб етади. Нилий гумбаз пештоқига зарҳал ҳарфлар билан битилган «Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар хотираси мангу барҳаётдир», деган сўзлар диққатни ўзига тортади. Ўз-ўзидан хаёлимда, хўш, ўтаётган асримиз бизга нималар берди ўзи, деган савол жонланади. Бу асрда кетма-кет иккита жаҳон уруши бўлганлигининг ўзи катта фожиа. Ёки бўлмаса бу аср тоталитаризм асри бўлганлиги, айниқса, шўролар замонида яшаган одамлар учун, зулм аср бўлганлигини эслашнинг ўзи кифоя. Ахир неча-неча одамларнинг ёстиғини қуритган қатағон йилларини унутиб бўладими? Лекин бир ҳақиқатни — инсоният ҳамиша зулмга, истибдодга қарши курашиб келганлигини ҳеч қачон инкор этиб бўлмайди. Бунга минг йиллик тарих гувоҳ. Шу нуқтаи назардан қараганда асримизнинг тўқсонинчи йиллари бизнинг ҳаётимизда, Ўзбекистон мамлакати ҳаётида мустақилликка эришилган давр бўлганлиги билан ҳам тарихимизга муҳрланади. Бу — мамлакатимиз халқларининг бир неча асрлик орзулари рўёбга чиққан ҳодиса бўлди, деб баралла айтамиз. Бинобарин юртимизнинг минглаб асл фарзандлари шу кунларни орзу қилмаган эдиларми?!

Бугун уларнинг қай бири ҳақида сўз айтиш мумкин. «Ватан — у менинг жону таним, саждагоҳимдир!» деб куйлаган Фитрат ҳақидами, ёки Тошкентдан Марғилонга сафар қилган ёш, ўктам йигит Отабекнинг ҳаёти, ҳистуйғулари, бахтсизлик қисматию Кумушнинг норасо кечмиши, бевақт ўлими изтиробларидан дили пора бўлган Абдулла Қодирий ҳақида сўз айтайликми?

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга боқдимку,

дея афсус ва надомат билан кетган тонг юлдузи каби чақин мисол ярқираб ўтган Чўлпон ҳақида қалам тебратайликми?

Бардек узилиб кетсам,
Унутмас мени боғим.
Ишимни ҳурмат қилур
Гуллардан ҳайкал қурур.
Минг йиллардан кейин ҳам
Унутмас менинг боғим»...

каби қайноқ сатрлар куйчиси Усмон Носир ёки «Ўтган замон учун эмас, келар замон учун ҳозирланайлик» дея орзули келажак ҳақида бонг урган Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли хусусида сўз юритайликми? Уларнинг ўзлари билан бирга олиб кетган дарду ҳасратларини битишга қалам ожизлик қиладику ахир. Уларга айтар бир сўзимиз: «Сиз жисман йўқ бўлсангизда, руҳан биз билан биргасиз. Сиз ҳамиша тилимиз ва дилимизда мангу яшайсиз».

Ёдгорлик пойи яқинига ўрнатилган мармар тошга битилган: «Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида 2000 йилда бунёд этилди», деган сўзлар диққатимни ўзига тортади. Ушбу жумлаларни синчков ўқир эканман, кўз олдимда қатағон қурбонларининг ёрқин сиймолари бирма-бир жонлангандек бўлади. Уларнинг бугунги миннатдор руҳи қулоғимга гўё ушбу сўзларни шивирлаётгандек:

«Не-не жаҳонгиру жаҳонгашталарни кўрмади бу юрт. Не-не фузалою уламолар келиб-кетмади бу юртга. Қанча-қанча раҳбарлар ҳукмронлик қилмади унга. Лекин жаҳон аҳли тан олган Ўзбекистон довруғини оламга тарата олган эл-юртнинг бекиёс ҳурмати ва эътиборини қозона олган Ислом Каримовдек буюк давлат арбобини неча асрлардан бери кўрмаганди бу юрт. Бахтимиз шундаки, йиллар оша биз орзу қилган ниятимиз энди мустажо бўлди. Озод ва обод Ватан сизга насиб этди. Биргина ўтинчимиз, бу дориломон кунларнинг қадрига етинг, тинчликни кўз қорачиғидек авайлаб-асранг. **«Энг катта орзуим — менга ишонган одамларнинг омонлиги, юртимнинг тинчлиги!»** дегувчи меҳр-мурувватли, мард ва танти ўғлон Юртбошингизни қадрланг. Бу инсоннинг буюк ҳиммати, беқиёс жасорат ва мардлиги билан Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган биздек фидойилар хотирасини абадийлаштиришга қарор қилинди. Тангри таолодан биз ҳам илтижо қилиб сўраймиз. Шу буюк инсонни ўзи қўллаб-қувватласин, паноҳида асрасин».

Муаззам хиёбоннинг энг жажжи зиёратчиси бўлмиш қизалоқ ёнида тўхтаймиз. У онасининг қўлидан тутган ҳолда ўз ёшига хос ўйноқлаб эмас, балки ҳазин мусиқа оҳангига мос вазмин қадамлар билан саккиз устун кўтариб турган гумбаз томон бормоқда. Бир зум тўхтаб ундан ташрифи маъносини сўрадик. Шунда у бизга, шуни ҳам билмайсизми, деган маънода ғалати қараш қилди. Кейин бийрон тиллари билан: «Бу ерга Қодирий бобомни кўргани келдим» деган жавобни берди.

Кўзларимизга беихтиёр дув ёш келди. Во дариғ, шу мурғак қалб кўнглига ҳам адолат шамоли ўзининг эпкин елларини ташлаб ўтган бўлса чидаб туриб бўладими? Ҳар қандай тош юракни ҳам эритиб юбормайдими, бу сўзлар?

Хайриятки, ҳаётда ҳақиқат ва адолат деган сўз ва тушунча бор экан. У эгиларкан, букиларкан, лекин синмас экан. Минг йиллардан қолган бу гап бизни узоқ орзиқтириб, ниҳоят яна қарор топди. Ҳақиқат машъали бир ўчдию энди мангуга ёнди. Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишлаб қурилган бу муҳташам ёдгорлик фикримизнинг ёрқин исботи.

Чиндан ҳам Бўзсув қирғоғида қурилган ушбу ёдгорлик мажмуи йиллар ўтган сари ёрқин юлдуз каби дилларимизга адолат ва ҳақиқат нури каби ёрқинлик бағишлаб тураверади!

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

СУРАТЛАРДА: маросимдан лавҳалар.
Сергей Любчич олган суратлар.

Изҳор

МИЛЛИОНЛАР КЎНГЛИДАГИ АЙНИ МУДДАО

Ниҳоят ҳаммамиз орзиқиб кутган кун ҳам етиб келди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан Юнусобод туманида бунёд этилган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди. 12 май Ўзбекистон тарихида ўзига хос ўрин тутажак. Чунки озодликни орзу қила-қила армон билан кетган, шўро даврининг аёвсиз тақиқлари остида бегуноҳ қатағон этилган ота-боболаримиз —аждодларимиз руҳи шод этилди. Шу куни Мажмуа очилиши маросимига келган ёшу қарининг кўзларида севинч ёшлари қалқиди. Биз ушбу кутлуғ кунда «Шаҳидлар хотираси» мажмуи очилишига келган ҳамюртларимизнинг дил сўзларини ёзиб олдик.

• Рўзи ЧОРИЕВ, Ўзбекистон халқ рассоми, академик:

— Ҳозир ҳаяжонимни сўз билан ифода қилолмайман. Чунки яна ҳақиқат рўёбга чиқди. Қатағон бўлганлар руҳи шод этилди. Чунки бу ерда қанчадан-қанча санъаткорлар, рассомлар, ёзувчилар ҳоки ётибди. Ўша машъум кунлар қайтиб келмаслиги учун ҳам доим ўтганлар хотирасини эсга олиб туриш даркор. Ҳақиқат эгилмайди, деганларидек, ҳақиқий санъат, ҳақиқий ижод ҳам ҳеч қачон ўлмайди.

• Эргаш ИСРОИЛОВ, «Чоштепа» маҳалласи фуқароси, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси:

— Жуда хурсандман. Тақдирда бор экан, иккинчи жаҳон урушида қатнашишга тўғри келди. Нимасини айтай. Урушда кўрган даҳшатлар ҳамон хаёлимдан кетмайди. Шу туфайли ҳам бундан буён фарзандларимиз уруш нималигини билмай яшашсин. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида бўлиб хаёлимдан шу фикрлар ўтди. Аллоҳ инояти билан тинч — дориломон замонда, мустақил давлатда ғамхўр Юртбошимиз бошчилигида осойишта яшаётганимизга шукр. Энди инсон қадри доим эъзозланади.

Матлаббека УЛУҒБЕК қизи, Хадра маҳалласи фуқароси, меҳнат фахрийси:

— Биласизми, бугун менга гапириш жуда оғир. Чунки зиёлилар оиласида ўсдим, улғайдим. Отам шўро тузуми истибдоди сабаб 30-йилларда қулоқ қилиндилар ва Хазарбоғга сургун қилиниб, вафот этдилар. Турмуш ўртоғим иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлди. Қайнотам ва қайноғаларим эса 1937 йилда қатағон қилинганлар. Алам қиладиган жойи—юқоридаги воқеалар сабаб анча вақт бизнинг ҳам ўқишимизга, билим олишимизга тўсқинлик қилишган. Шукрки, истиқлол туфайли бу кунлар ортда қолди. Энди «Шаҳидлар хотираси» мажмуига тез-тез келиб туриш, ўтганлар руҳини эслаш даркор.

• Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА, меҳнат фахрийси:

— Қайнатам Абдулла Жувонмардиев Дўстмуҳаммад ўғли шарқшунос олим, тарих фанлари номзоди эдилар. Улар 7 хил шарқ тилларини билардилар. Халқимизнинг севимли адиби Абдулла Қодирий билан дўст тутинган қайнотамнинг Абдулла Қодирий билан бирга тушган суратлари ҳозир менда сақланади. Демоқчиманки, эл суйган адиб билан таниш бўлган қайнотам 1937 йилда қатағонга учраб, Узоқ Сибирда 1956 йилгача қолиб кетдилар. Кейин оқланиб юртимизга қайтдилар ва яна Шарқшунослик илмий-текшириш институтида 20 йил тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов, Шорасул Зуннун, Сабоҳат Азимжоновалар билан бирга ишладилар, талабаларга дарс бердилар. Доим тинчликнинг қадри ниҳоятда улуғ дердилар, раҳматлик. Ҳозир «Шаҳидлар хотираси» мажмуини айланар эканман, хаёлимдан қатағонга учраганлар ўтди. Илоҳим энди мудом тинчлик, осойишталик бўлсин. Озод юртимиз гуллаб-яшнасин.

• Ҳайитбой ОТАМУРОДОВ, меҳнат фахрийси:

— Мен бугунги тантанага Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидан келиб, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишида қатнашаётганимдан бошим осмонга етди. Аввало мана шундай гўзал зиёратгоҳ масканнинг бунёд этилишига раҳнамо бўлган Президентимизга мингдан-минг раҳмат. Эл қатори менинг отам ҳам урушга кетиб, қайтиб келмади. Бугун мазкур савобли иш сабаб шу ерда отажонимнинг руҳлари шод бўлиб юрган бўлса ажаб эмас.

Энг асосийси, бу эзгу хайрли ишларни кўриб аждодларимиз руҳини шод қилгувчи, пок номларини қалбларида сақловчи, улар орзу қилган нурли келажакни қурувчи фарзандлари бор Ватанда яшаётганлигимдан ғурурланиб кетдим.

Дилшод ИСРОИЛОВ, Анвар ЙЎЛДОШЕВлар ёзиб олишди.

2000 — Соғлом авлод йили

Ота-она учун фарзанддан азиз нарса борми? Кўз нуримиз, қувонч ва орзу-умидимиз фарзандлар. Шу фарзанд туфайли келажагимиз нурли бўлади. Яхши фарзанд туфайли номимиз элда эъзозланади. Бу сифатларга эга бўлиш қандай яхши!

Ҳар бир оиланинг ўз дунёқараши, шарт-шароитлари, ҳар бир ота-онанинг қалб ҳарорати, болажонлиги турличадир. Биров ўта болажон, бировнинг бағри тош, яна бирини «денгиз тошса тўпиғига чиқмайди» деб таърифлаш мумкин. Бировлар серфарзанд, бировлар эса унга зор. Хуллас, ҳар гўшанинг ўз ички дунёси бор.

Табиат ҳамма инсонларга яхши фазилат ато этади, лекин уни ҳар ким ўз жисмида мукаммал мужассамлаштира оладими? Бу саволга жавоб бериш анча мушкул. Сабаби, инсон кўп ҳолларда ўз камчиликларини тезда сезмайди. Шунинг учун ҳам баъзан бу касал «улғайиб» охири «вой» бўлиши мумкин.

Масалан, айрим оилаларда ота-она фарзандга ортиқча эътиқод қўядилар. Уни баъзи ножўя ҳаракатлардан тийиш ўрнига эркалатиб, ҳамма ишини билан гаплашишни хоҳламайдиган, «ёввойи» бўлиб ўса бошлади. Қизчанинг биринчи чорақдаёқ ўқишдан сустлигини билган онаси ташвишланиб ўқитувчисидан сабабини аниқлашга уринди.

— Қизингиз индамас, кўпчиликка қўшилмайди, хаёл суриб ўтиради, — деди ўқитувчиси.

Йиллар ўтди. Севаранинг бўйи етиб, уни турмушга беришди. У индамас, ичимдагини топ, дейдиган қиз бўлгани учун оилада қайнонаю, қайнсингилларига ҳам ёқинқирамай қолди. Секинаста уйда нохушлик пайдо бўла бошлади. Сабр косаси тўлган Севара ҳар хил панд-насиҳат, дашномлардан безиб, уйига қайтиб келди. Шунда онаси:

— Тор қорнимга сиққан, кенг уйимга сиғасан, — деб уни уйида олиб қолди.

Доно халқимизда бир нақл бор: «Агар кўзингга чўп тушса, уни авайлаб ола

Мулоҳаза

ТАРБИЯДА ҲИКМАТ КЎП

маъқуллайдилар. Тарбияда бу жараён айниқса хавфлидир. Бола ҳали қандай ишлар яхши-ю, қайсилари ёмон, нима қилиш мумкину, нималарни қилиш ярамаслигининг фарқига бормайди. У катталарга кўпроқ тақлид қилади.

Буюк донишманд Абдураҳмон Жомий дейдики: «Яхшилар томонга ўгиргил юзинг, яхшию ёмонга бир бўлсин сўзинг». Ҳа, ҳақиқатан, болага нимани ўргатсанг шуни дарров илиб олади, шунинг учун яхшию ёмонни тез ажрата олишга ўргатиш зарур. Айниқса, бола олдида ўйлаб гапириш лозим. Бир мисол. Севара бу йил биринчи синфга борди. Ўқишнинг биринчи куни ўқитувчиси, янги ўртоқлари, озода синфи, хуллас, ҳаммаси унинг ҳаётида янгилик...

Севара уйга келиб, кўрган-эшитганларини тўлқинланиб онасига ҳикоя қилиб берди. Янги ўртоқлари, ширин сўзли ўқитувчиси, ёп-ёруғ, шинам безатилган синф, мактаб ҳовлисидаги гулзор, дарахтлар унга жуда-жуда ёққанлигини севина-севина гапириб берди. Лекин онаси қизининг гапларига парво қилмай, ўз иши билан овора бўлди ва қизига жеркиганнамо:

— Бўлди, кўп гапирма, укангга қара, — деб қизининг шодлигига ҳамроҳ бўлиб, унинг таассуротларини тинглаш ўрнига, турли юмушлар буюриб, қизининг кўнглини ўкситиб қўйди. Севаранинг қувончдан порлаб турган кўзлари маъюс тортиб, бир зумда севинчидан асар қолмади.

Шу-шу бўлдию, Севара ҳеч кимга таассуротларини гапирмайдиган, ҳеч ким бил, бўлмаса кўр бўлишинг мумкин». Ҳа, ҳаётнинг тўфон, тўсиқлари кўп. Ундан мардонавор ўтиш учун ақл-фаросат, идрок, уқув керак. Бола ниҳол, унинг парвариши ниҳоятда мураккаб. Ниҳолни қиш совуғидан асраб, ёз ҳароратидан авайлаб ўстирилганидек, фарзандни ҳам, керагида меҳр бериб, лозим бўлса қаттиққўллик ҳам қилиш керак. Токи у ҳаёт қандай бўлишини тушуниб, инсонларга илтифотли бўлиб ўссин.

Ҳеч қачон бола олдида бировга менинг ўғлим баҳодир, полвон, ўртоғини бир муштлашда йиқитади, сингари мақтовлар билан рағбатлантирмаслик керак, безорилик ана шу ўйланмай айтилган сўзлардан сўнг пайдо бўлади.

Кўча-кўйдан гап ташиб келиш, боладан фойдасиз гапларни сўраш ҳам ёмон одат. Бунинг ўрнига болага тез-тез дўстлик, яхшилик ҳақида эртак ва ҳикоялар айтиб, уларни яхшиликка, эзгуликка ўргатиш, топишмоқлар, турли ўйинлар ўргатиб, бола тафаккурини, онгини шакллантириш лозим.

Боланинг эътиборини фақат яхшиликларга қаратмоқ, яхши ишларга ундамоқ зарур. Токи у яхшиликлар қилишга қодир, ақл-заковатли, меҳрли инсон бўлиб вояга етсин. Биродарлик, аҳиллик ҳақида ва буюк кишиларимиз ҳақида ҳикоялар сўзлаб бериш ҳам тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Ана шундагина азиз фарзандларимиз ҳар томонлама илмли, зукко, баркамол инсон бўлиб вояга етадилар.

Ситорахон РАҲМОНБЕКОВА,
140-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

Соғлом авлод — миллатимиз келажаги. Равиль Альбеков олган суратлар.

Танловлар

ДИЛДАН ЖЎШИБ КУЙЛАШДИ

Шу кунларда пойтахтимизнинг барча туманларида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танлови шодиёна руҳда катта муваффақият билан ўтказилмоқда.

Куни кеча Алишер Навоий номли Давлат академик Катта театрида ҳам Мирзо Улуғбек тумани мактаб ўқувчиларининг «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ушбу тумандаги мактабларнинг ўқувчилари ҳамда қўшимча таълим мажмуасининг бадиий жамоалари қатнашдилар. Шунингдек, тадбирда халқ таълими ходимлари, ота-оналар, ўқитувчилар иштирок этдилар.

Кўрик-танлов қатнашчилари ижросидаги она Ватан, гўзал Ўзбекистонимиз, баҳор, ота-оналарни мадҳ этувчи дилрабо қўшиқлар, шеърлар, жозибали рақслар йиғилганларга бир олам завқ, хуш кайфият бахш этди. Айниқса, Соғлом авлод йилига бағишланган 148, 99-мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликда қўшимча таълим мажмуаси фольклор жамоасининг тайёрлаган саҳна кўринишлари кечага яна ҳам ўзгача файз киритди. Шунингдек, «Табассум» рақс дастаси, «Чиннигул», «Илҳом» эстрада гуруҳлари ва «Ғунча» фольклор бадиий жамоалари, дуторчилар ансамбли қатнашчиларининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди. Ўқувчиларнинг санъатга бўлган муҳаббатлари уларнинг юракдан қўшиқ куйлаб, дилдан жўшиб ижро этган рақсларида ҳам яққол намоён бўлиб турди.

Кўрик-танлов сўнггида ҳайъат аъзолари ўқувчиларнинг чиқишларини юқори баҳоладилар ва энг юқори балл тўплаган жамоаларга кўрик-танловнинг шаҳар босқичига йўлланма берилди. Шунингдек, кўрик-танловда алоҳида ўрнак кўрсатган бадиий жамоалар раҳбарлари Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Гулором ҲАМИДОВА.

Акмал Икромов туманидаги 297-мактабда кўп йиллардан бери ўқитувчилик қилиб келаётган халқ таълими аълочиси Рихсивой Зокиров ёшларга география фани сирларини қунт билан ўргатиб келмоқда. Ушбу суратда унинг география тўғараги аъзоларига ушбу фандан сабоқ бераётганлигини кўриб турибсиз.

Маданият янгиликлари

ТАЛАБАЛАР — САҲНАДА

Тошкент Молия институти қошидаги «Ёшлик» талабалар студияси ижодий жамоаси «Уйингизга совчи кетди» деб номланган мусиқали комедия спектаклини саҳналаштирдилар.

Драматург Салоҳиддин Сирожиддинов қаламига мансуб бу асарга Ҳусан Мирпўлатов режиссёрлик қилган.

Институт ходимлари ва талабаларидан ташкил топган бу ҳаваскор актёрлар асарни маромига етказиб ижро этдилар. З. Умарова, С. Атабекова, М. Абдураҳимова, Х. Эшпўлатова, Д. Рўзиевалар томонидан гавдалантирилган образлар томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

ЎСМИР-ЁШЛАР ҲАЁТИ ИФОДАЛАНГАН

Шаҳримиздаги «Дийдор» болалар ва ўсмирлар ўзбек драма театри студиясида ҳам Эргаш Масафоев қаламига мансуб «Дугоналар» спектакли саҳналаштирилди.

Муаллиф ўзи режиссёрлик қилган бу асар асосан ўсмир-ёшлар ўртасидаги дўстлик, самимийлик, бир-бирини ҳурмат қилиш, меҳр-оқибат ғояларини ифода этган. Актёрлардан У. Мирзаахмедова, М. Аҳмедов, И. Усмонов, М. Мирзабеков, Ш. Шариповалар асар ғоясини тўла гавдалантиришда бор маҳоратларини намоён этдилар.

Шу кунларда студия жамоаси Э. Масафоев раҳбарлигида драматург С. Сирожиддинов билан ҳамкорликда республикамиз вилоятларига ижодий сафарлар уюштириб, Соғлом авлод йили муносабати билан мактаб ўқувчилари иштирокида турли хил маданият ва санъатга боғлиқ бўлган мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиш режасини ишлаб чиқдилар.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

Таълим

«МОҲИР»НИНГ ТАЖРИБАЛАРИ

Мирзо Улуғбек туманидаги технологик лицей қошидаги «Моҳир» мактабида мана ўн йилдирки, ўзига хос илғор тажрибалар татбиқ этиб келинмоқда.

Унинг моҳияти шундан иборатки, ҳозирги кунда мактабнинг 6-9-синфларида туманнинг турли бурчакларидан келган 216 нафар тарбияси оғир ўқувчилар жамланган. Улар кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган синфларда тушгача ўқишгач, куннинг иккинчи ярмида радиотехника, ошпазлик, дурадгорчилик, тарбиячилик, тикувчилик, авиатехника каби 12 та йўналишлар бўйича тўгаракларда касб-ҳунар ўрганадилар. Сўнг ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида амалий машғулотларни ўтайдилар. Касб-ҳунарга йўналтирилган дастур бўйича ўқиётган болаларнинг келажакда Ватанимиз учун фойдали, меҳнатсевар, билимдон инсонлар бўлиб етишишларига шубҳа йўқ. Зеро, ушбу мактабни тамомлаган тарбияси оғир болаларнинг деярли барчаси ҳаётда аллақачон ўз ўрнини топиб кетишган.

Шу жиҳатдан олганда шаҳар вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг навбатдаги сайёр йиғилиши ушбу мактабда ўтказилиши фойдадан ҳоли бўлмади. Дастлаб комиссия аъзолари, туманлар ҳокимликлари вакиллари ва халқ таълими бўлимларининг раҳбарлари ўқув хоналари, устахоналарга кириб болалар учун яратилган шарт-шароитлар, таълим ва ҳунар тарбияси жараёни билан бевосита танишишди, мактаб иш тажрибасидан чуқур қониқиш ҳосил қилишди.

Сўнг Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эркин Эрназаров олиб борган комиссия мажлисида сўзга чиққан Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев давр изланишларни, таълим соҳасига янгиликлар киритишни тақозо этаётгани, ушбу мактабда жорий этилган илғор тажрибаларни бошқа мактабларда қўллаш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, шаҳар прокуратураси ходимлари, германиялик профессор, Германиядаги хорижий олимлар жамияти раҳбари, собиқ ҳамшаҳримиз Александр Иосиповичлар ҳам «Моҳир» мактабидаги ўзига хос таълим-тарбия усулларини маъқуллашди, имконияти бор туманларда шу каби мактаблар ташкил этилса деган фикрлар билдирилди.

Кувонарли томони шундаки, Ҳамза туманида ҳам яқин орада шу йўналишдаги мактаб ишга тушади, Яккасарой туманида эса бу борада ишлар кетяпти.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

Мутасаддилар фикрича...

ОЗОДАЛИК – СОҒЛИҒИМИЗ ГАРОВИ

Диёримизда ёз мавсумининг иссиқ кунлари, пишиқчилик айни авж олган паллада баъзида шахсий гигиена қоидаларига риоя этмаслик, турли озиқ-овқат маҳсулотларини аралаш истеъмол қилиш оқибатида ичбуруғ ёки ўткир юқумли ичак касалликлари кўпайиши кутилади.

Хўш, бу қандай касаллик ўзи? Ўткир юқумли ичак касаллиги аксарият ҳолларда турли микроблар орқали ўтиб, унинг енгил, ўрта ва оғир турлари мавжуд. Шунингдек, ҳаммада ҳам бирдек кечавермайди. Умуман ошқозонга ҳар доим ҳам у ёки бу даражада истеъмолимиздаги озиқ-овқатлар билан микроблар тушиши мумкин. Аммо ошқозон ширасидаги кучли кислотали муҳит уларнинг ривожига йўл қўймай, ўлдириб юборади. Ёзнинг иссиқ кунларида аввало ташқи муҳитда турли микроблар кўпаяди, қолаверса, киши чанқаб кўп сув ичиши натижасида бактерияларни ўлдириш хусусиятига эга кислотали муҳит пасаяди ёки шу сув таъсирида кучсизланади. Ана энди шу муҳитда довучча, қулупнай ёки бошқа мевалар ошқозонга ювилмай тушиши сабаб ўткир юқумли ичак хасталиклари келиб чиқиши мумкин. Хасталикнинг енгил тури 2-3 соатдан нари борса эртасига ҳам ўтиши, аммо оғир тури бўлсачи, унда нафақат ич кетиши, ҳатто қусиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, ҳолсизланиш, қоринда кучли оғриқ ҳам тиббий муассасага мурожаат этмаслиги маълум. Аксарият ҳолларда шифохонага оғир аҳволга тушгандагина тез ёрдам орқали ётқизилаётганлар кузатилмоқда.

Таҳлиллардан шу нарса маълумки, аксарият ёш болалар, кўпинча 0-1 ёшгача, кейинчалик 1-4, баъзан 5, 6, 7 ёшли болалар кўпроқ ушбу хасталикка дучор бўладилар. 3-4 ёшли болалар қаровсиз қолиб, мева ва сабзавотларни қўлларини ювмасдан истеъмол қилишлари натижасида касалликка чалинсалар, 1-2 ёшгача бўлган гўдакларнинг хасталикка чалинишига кўпроқ ота-оналари айбдор бўладилар. Энг ёмони, она қўлидаги 1-1,5 ёшли боласининг ичи бузилса, ўтиб кетади, дея лоқайдлик қилиб, зудлик билан поликлиникага олиб чиқиш ўрнига уйида сақлайди, хасталик авж олиб, боланинг аҳволи оғирлашгандагина шифохонага югуришади. Бу касалликдан нобуд бўлганлар ҳам учраб туради. Шундай кўнгилсиз ҳолнинг олдини олиш мумкинку ахир. Бунинг учун ҳар бир ҳудудий поликлиникаларда Орол регидратция хоналари ташкил этилган бўлиб, ҳар бир беморни шу жойда 2-3 соат махсус туз эритмаси «Регидрон» ичириб даволаш йўлга қўйилган. Беморларни ўз вақтида, оғир ҳолатга етгунча уйда сақлаб юқумли касаллик чақирувчи микробларни атрофга тарқатмай, зудлик билан шифокорга мурожаат қилинса, касалликнинг олди олинади.

Озодалик — соғлиғимиз гарови. Аввало ушбу ақидага риоя қилган ҳолда ошхоналарни, идиш-товоқларни озода тутиб, турли сабзавот ва меваларни яхшилаб тозалаб ювиб, сўнг истеъмол қилинса, сув, сут каби ичимлик маҳсулотларини яхшилаб қайнатиб ичилса, албатта ўткир юқумли ичак касалликлари олди олинади. Касаллик озодалик ва тозалик бор жойдан чекинади. Буни унутмаслик керак.

А. САРИМСОҚОВ,
А. Икромов тумани давлат санитария-эпидемиология назорат маркази раҳбари.

ШАРҚ ДУРДОНАЛАРИ

◆ Номард ҳамиша лоф уриб гапиради. Мардлик билан номардлик ораси бир қадам, нокас ҳаким билан тарбия топмайди, ранж тортмай ганж топиб бўлмайди.

◆ Ҳикоят қилишларича, Басра шаҳрида бир киши бўлиб, уни Абул Қосим Сафо дердилар. У ўзи ҳақида шундай ҳикоятни келтиради:

— Отамдан мерос сифатида бир қилич қолган эди. Қилич жуда қимматбаҳо бўлиб, кескирликда тенги йўқ эди. Куни келиб танг ҳолга тушиб қолдим ва ҳаёт кечириш мен учун оғирлашиб қолди. Шунда ўзимга дедим: «Бу қилич Амир Аббосга лойиқ туҳфадир. Агар унга совға қилсам, эвазига инъом беради!» Шундай хаёл билан йўлга тушдим. Йўлда бир араб билан улфат бўлиб қолдим. Суҳбат давомида бу араб Бану Тамим қабиласидан эканини билиб қолдим. Бу қабилага мансуб кишилар фақат ғараз билан дўстлик қилишади деб кўп марта эшитган эдим. Мен ундан шубҳаланиб, ўзимни четга торта бошладим. У менинг ёнимда қимматбаҳо қилич борлигини ва уни Амирга туҳфа қилиб олиб кетаётганимни билар, шунинг учун орқамдан қолмай келарди. Шаҳарга етганимизда у бир ерда қолди. Мен эса Амирнинг саройига равона бўлдим. Амир қилични қабул қилиб, лойиқ инъомлар билан бирга минг динор қизил олтин совға қилди. Уларни олиб изимга қайтдим. Ногоҳ йўлимдан яна араб чиқиб қолди ва деди:

— Эй, бобо ажам, тасодифни қара, яна сенга ҳамроҳ бўладиган бўлдим!

Арабнинг атайлаб мени пойлаб турганини, қилинган совға-саломларни тортиб олмоқчи эканини англадим. Уни зимдан кузата бошладим. Қишлоқдан жуда узоқда бўлган бир дарахтзорга ҳамда чангалзор ерга етиб келганда араб менга:

— Эй, йигит, нега мендан узоқлашиш йўлини қидиряпсан?! Ахир мен сенинг дўстингман-ку! Нега менга яқин юрмайсан?! — деди.

Мен унга парво қилмай отни тезроқ ҳайдаб кета бошладим. Унинг менга қасд қилаётганини сезганимдан хабар топган араб қиличини кўтариб, устимга от суриб кела бошлади. Қуролим йўқ бўлгани учун отдан сакраб тушиб, чангалзорга ўзимни урдим. У мени қувиб келарди. Узоқда дарахтзорлар орасидан бир гумбаз кўриниб қолди. Қишлоқ бўлса керак деб ўша томонга чопдим. Етиб келиб қарасам, яҳудийларнинг вайронага айланган масжиди экан. Араб менинг отимни ҳам эргаштирган ҳолда орқамдан келар ва ҳадеб:

— Ўз оёғинг билан қассобхонага келдинг. Энди ҳеч қаёққа қочиб кетолмайсан! — деди.

Мен ноилож қолиб, масжид ичига кирдим. Масжид ичи жуда қоронғи эди. Тақдирга тан бериб, таваккал қилганимча индамай ўтиравердим. Араб отларни дарахтга боғлади. Сўнг масжид ичига кирди. Кейин билсам, бу масжид араб қароргоҳи бўлиб, қароқчиликдан топган нарсаларини шу ерга яширар экан. Мен эшик орқасига ўзимни олдим. Қоронғида ҳеч нарсани кўрмаётган араб қиличини қўлида ушлаганича қичқириб дерди:

— Эй ажам, ажал сени бу ерга олиб келди. Белингдаги минг динор қизил олтин меникидир.

Менинг эшик орқасида эканимдан бехабар араб уйнинг бурчагидан пастга тушиладиган қандайдир чуқурга тушиб, мени қидириш билан машғул бўлди. Мен фурсатни ғанимат билиб, отилиб ташқарига чиқдим ва масжид эшигини ёпдим. Эшик темирдан қилинган бўлиб, жуда оғир ва бекитиш учун катта занжирлар илиб қўйилган эди. Араб эшикнинг ёпилганидан хабар топиб, қўлга тушганини англади ва ялинишга тушди:

— Эй, бобо ажам, мен нимаики ёмон ният қилган бўлсам, ўзимга қайтиб келди, сенга чоҳ қазидим-у ўзим йиқилдим! Бугун ажам мурувват кўрсатадиган кун! Мени кечир, эшикни оч, олдингда қилган ишларимга тавба қилай!

Мен унга:

— Эй ярамас, тавбанинг фойдаси йўқ, сени бу ердан соғ-саломат чиқармоқ ўзимни ҳалок қилмоқ демакдир. Сен ўзинг ўз оёғинг билан чопиб ажални олиб келдинг. Сен неча бегуноҳларнинг қотилисан! — деб жавоб бердим.

— Эй, бобо ажам, кимки яхшилик қилса, яхшилик топади. Менга яхшилик қил, эшикни оч! Ёнимда минг динор қизил олтиним бор, уни сенга бераман! Отни ҳам беш юз дирҳамга сотиб олган эдим, у ҳам сенга бўлсин!

Мен унга истеҳзо қилиб:

— Эй, аҳмоқ отни берсанг ҳам, бермасанг ҳам, барибир у меникидир,. Ёнингдаги олтин насиб қилса, эҳтимол мени бўлар! Сен бу ерда ўлсанг савоб бўлади.

Араб тобора ялиниб:

— Эй, йигит, уй бурчагидаги чоҳ ичи тўла жавоҳир ва олтиндир. Оч, ҳаммасини сенга бераман! — деди.

Мен унинг гапига эътибор бермай, отимга миндим ва унинг отини ҳам эргаштириб, Басра шаҳрига равона бўлдим.

Орадан олти ой ўтгач, амир олдига боришим лозим бўлиб қолди. Йўл юриб, ўша масжид олдига келганимда, қароқчининг тақдири мени қизиқтириб қолди. Эшикни очиб ичкарига кирганимда у чўзилиб ётар, гўштлари тупроққа айланиб, суяклари қолган эди. Боши устида чарм ҳамёнга солинган олтин турарди. Чоҳ ичига тушдим. У ердан олтин ва жавоҳирларни олдим, холос. Бошқа кўпгина матолар қолди.

НАЗМ:

Неки насибам бўлса, ортиқми-кам берурлар,
Олмасам ҳам ўрлашиб, ол деб илдам берурлар.

Бу ҳикоятнинг хулосаси шуки, ҳар ким бировга чоҳ қазиса, ўзи тушиши муқаррардир. Шунинг учун ҳаётда фақат яхшилик қилмоқ, бировга озор бермай яшамоқ лозимдир.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Саломатлик

НУРОНИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Кексаларга, беморларга, кичикларга меҳр-мурувват, ҳиммат-саховат кўрсатиш — энг улуғ фазилат, савоб иш. Мамлакатимизда бугунги кунда айниқса меҳнат ва уруш фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз ва кам таъминланган кексаларга ҳукуматимиз томонидан беқиёс ғамхўрлик кўрсатиб, уларга яна ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Фахрийларимиз қаерда бўлишмасин, доимо халқимиз эъзозида, дастурхон тўрида ҳурмату иззатдалар. Улар учун республикамизнинг турли сўлим ва кўркам гўшаларида кўплаб оромгоҳлар, санаторийлар, дам олиш масканлари мавжуд. Юнусобод туманининг энг сўлим ва баҳаво, хушманзара масканида жойлашган «Нуронийлар» оромгоҳи ҳам шулар жумласидандир.

Оромгоҳга кириб борарканмиз, атрофлари ям-яшил дарахтлар, озода йўлканинг икки томонида ранго-ранг очилган атиргуллар боғ ҳуснига ҳусн қўшиб, бизни ўзига мафтун этди. Бу ажиб хушманзара нафақат дам олувчилар, балки бу ерга ташриф буюрган ҳар қандай кишининг баҳри-дилини очмай қўймайди. Айниқса, оромгоҳ атрофига қатор экилган жийданинг маржондек гуллари атрофга хушбўй таратиб турибди.

— «Тан сиҳатлик — туман бойлик», деб бежиз айтилмайди, — дейди биз билан суҳбатда «Нуронийлар» оромгоҳининг директори, тиббиёт фанлари номзоди Лола Йўлдошева. — Умрнинг мазмунини билган киши ҳаётни қадрлайди. Кўпинча қарияларимизни мана шундай оромгоҳ, санаторий ёки дам олиш уйларига мажбурлаб олиб борамиз. Уларнинг саломатликлари устида кўп қайғурамиз. Ота-оналаримизнинг кексайган чоғларида мана шундай масканларда мароқли ва мазмунли дам олиб, ҳордиқ чиқаришларини ҳамма ҳам орзу қилади. Мана бизнинг «Нуронийлар» оромгоҳида бир марта келиб дам олиб кетган нуронийларимиз энди ўзлари хоҳлаб иккинчи, учинчи марта келиб дам олишмоқда. Чунки улар учун бизда ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. Бу оромгоҳ 1992 йилда ташкил топган бўлиб, Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли республикада ягона оромгоҳ ҳисобланади. Бу ерда ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз, кам таъминланган қариялар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари дам олиб, саломатликларини ҳам бир йўла тиклаб қайтадилар. Малакали шифокорлар ва ҳамширалар кечаю кундуз уларнинг хизматида. Масканимиз 220 ўринли бўлиб, санаторий типида фаолият юритмоқда. Нуронийларимиз бепул йўлланма, беш маҳал овқат билан таъминланадилар. Шунингдек, бу ерда муолажа учун 12 хил электр мосламалари ўрнатилган бўлиб, уқалаш, массаж, парафин, ванна ҳамда фитобар хоналари мавжуд. Дам олувчилар аввало шифокор кўригидан ўтгач, саломатликлари учун зарур муолажаларга йўлланма оладилар ва 18 кун ичида ушбу муолажаларни олиб, мароқли ҳордиқ чиқаришади. Қарияларга кўпроқ шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шарбатлар тавсия қилинади. Шунингдек, уларнинг талабларига биноан енгил, тез ҳазм бўладиган миллий таомлар, турли сабзавотлардан салатлар тайёрланади.

Ҳа, оромгоҳни айланарканмиз, ҳақиқатан озода ва шинам бу масканда нуронийларга кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг гувоҳи бўлдик. Уларнинг маданий дам олишлари учун телевизор, ҳар бир хонага ўрнатилган радио, 4 мингдан ортиқ китоблар, кундалик газета ва журналларга эга кутубхона, шахмат-шашка биллиард, чолғу асбоблари хоналари, кино зали фикримизнинг яққол далилидир. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бу ерда дам олувчиларни албатта Зангиота зиёратгоҳига, Темурийлар тарихи Давлат музейига, Ҳамза, Муқимий номли театрларга олиб бориш одат тусига кирган. Шу билан бирга таниқли шоир ва театр артистлари билан турли қизиқарли учрашув кечалари, ҳар хил мавзуларда суҳбатлар ўтказилиб, нуронийларнинг кўнгилли ва мазмунли дам олишлари таъминланаётир. Оромгоҳдаги бундай қулай шарт-шароитлар, осойишталик, кекса фахрийларимизга кўрсатилаётган меҳр-мурувватдан кўнглимиз тоғдек кўтарилиб, беихтиёр чеҳрасида мамнунлик, бахтиёрлик туйғуси сезилиб турган отахон ва онахонларни суҳбатга тортдик.

• Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ, Иккинчи жаҳон уруши ногирони:

— Мен бу «Нуронийлар» оромгоҳига иккинчи марта келиб дам оляпман. Бу ерга жуда ўрганиб қолдим. Тинч, баҳаво, овқатлари ҳам жуда мазали, биз кексаларбоп. Айниқса, шифокору ҳамшираларнинг хушмуомала, ширинсўзлигини айтмайсизми?! Нима сўрасанг, дарров йўқ демай, кўнглимизга қарашади, барака топгурлар. Вақтида ўзлари чақириб, муолажалар қилишади. Президентимизга минг раҳмат, биз каби фахрийлар, қарияларга катта эътибор қаратяптилар. Ҳаммаларидан миннатдорман.

• Озода КАРИМОВА, пенсионер, иккинчи гуруҳ ногирони:

— Мен турмуш ўртоғим билан дам олишга келганман. Бу ердаги шарт-шароитлардан жуда мамнунмиз. Бизга алоҳида хона беришган, ўз уйимиздек, бемалол дам солиб, соғлиғимиз учун зарур муолажаларни оляпмиз. «Ширин сўз — жон озиғи», деб бежиз айтилмаган. Ҳамшираларнинг ширин муомалалари, меҳрибонликларининг ўзи кўнглимизни тоғдек кўтариб, тетиклик, бардамлик бахш этмоқда. Уларга минг раҳмат, кечаю кундуз ҳолимиздан хабар олиб, нима ёрдам керак бўлса, хушмуомалалик билан бажарадилар...

Ҳа, бундай миннатдорчилик туйғуларини дам олувчиларнинг кўпчилигидан эшитиб, ҳақиқатан бу масканда мақташга арзигулик ишлар қилинаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Нуронийларимиз айниқса, ширинсўз, меҳнатсевар, хушмуомала шифокорлар — Л. Йўлдошева, Г. Маҳмудова, ҳамширалар — С. Аҳатжонова, Х. Комилова, Г. Қосимова, Г. Азимова, Ф. Усмоновалар хизматларидан бехад миннатдорликларини изҳор қилдилар.

Биз ҳам ушбу файзли оромгоҳдан қайтарканмиз, шундай улкан меҳр-мурувватли, саховатли ҳамширалар шифокорлар оромизда кўпайишини, қуёшдек меҳрларидан халқимиз доимо баҳра олишини, қўллари дард кўрмаслигини тилаб қоламиз.

Дилором ИКРОМОВА.



СУРАТЛАРДА: (юқорида) оромгоҳ директори, тиббиёт фанлари номзоди Лола Йўлдошева (чапдан иккинчи) ҳамда олий тоифали шифокор Гулираъно Маҳмудова (ўнгдан биринчи) дам олувчилар даврасида; ҳамшира Холида Афандиева Иккинчи жаҳон уруши ногирони Муҳаммаджон Аҳмаджоновга муолажа кўрсатмоқда; пастдаги суратларда дам олувчилар гиёҳшарбатхона ва дам олиш хоналарида кўнгилли ҳордиқ чиқаришаётгани тасвирланган.

Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

Сиз бунга нима дейсиз?

ДАРДИНИ КИМГА АЙТСИН?

Заҳро зарбанинг зўридан ўзини билмай қолди. Элас-элас, ҳуши ўзига келганида кўзларини базўр очиб, тепасида кўз ёш қилаётган хаста фарзандларини кўрди.

Ўғли Рустамжон дудуқлана, «Ая, Сиз... сиз...га нима бўл... бўл...ди», дея мўлтираб турар, қўллари чангак бўлганидан онасининг кўз ёшларини артолмай юзларини меҳрибон волидаси юзларига босиб ингранаётган Шаҳло бўлиб ўтган воқеадан эмас, асли ўзи туғма, эси кирарли-чиқарли бўлган яна бир жигарбанди Шаҳнозанинг чоғроққина хонанинг бир чеккасида кийим-боши билан шундоққина қуруқ полос устида ётган отасига, гоҳ-гоҳ онасига қўрқа-писа қараши юрак-бағрини зирқиратиб юборди.

Кейин инқиллаб аста ўрнидан турди. Заҳро болаларини бағрига босиб унсиз йиғлаганича нариги хонага олиб чиқиб ухлатди. Аёл барибир аёл-да, эри ётган хонага қайтиб кириб, боши остига ёстиқ қўйди, устини кўрпа билан ўради. Вақт алламаҳал бўлганига қарамай, уйқуси келмади. Деразадан ой ёруғига қараб шу хонадонга биринчи қадам қўйган никоҳ кечасини эслади...

Эри ўшанда чиройли, қўҳликкина йигит эди-я. Келин-куёв ёр-ёр садолари остида ичкарига қадам қўйишаркан, тўйхонада елиб-югуриб хизмат қилиб юрган аёллардан бири исириқ тутатиб «Илоё бахтли, ували-жували бўлинглар, ҳаётларинг асал каби ширин ўтсин. Ичкарига аввал ўнг оёғингизни босиб киринглар» деди. Келинлигида Заҳро қандай ширин ҳаёлларни орзу қилган эди. Тўйдан бир ҳафта ўтмаёқ эрининг уйга ғирт маст бўлиб келгани ҳам ёдига тушди. Раҳматлик онаси айтгувчи эди: «Чиллали хонадонда ичилмайди, хосияти ёмон бўлади». Ҳақиқатан ҳам бу оила ҳаёти хосиятли бўлмади.

Орада биринчи фарзандлари Рустамжон туғилди, лекин у жуда нимжон, касалманд, асосийси гапира олмасди. 10 ёшларга борганида эса дудуқланиб, айрим сўзларни талаффуз қиладиган бўлди. Равшан эса ичкиликни бир кун ҳам канда қилмас, уйга келганида Заҳрони ҳар доим дўппослаб урар, оғзидан фақат «Нега майиб-мажруҳ бола туғдинг, мен ўртоқларим кўзига қандай қарайман» деган сўз тушмасди. Кунлар шу зайлда ўтаверди. Орада мажруҳ ҳолатда Шаҳло туғилди. Аммо у тўшакка михлангандек ётар, қўллари деярли ишламасди. Она дардига яна дард қўшилди. Уйда эри билан бўладиган машмашалар кучайгандан кучайди. Заҳро бир неча марта болаларини олиб уйига кетмоқчи ҳам бўлди-ю, аммо...

Заҳро ёшлигидаёқ ота-онадан етим қолиб, акаси қўлида ўсди. Жигари меҳрибон, оққўнгил бўлса-да янгаси анча тажанг, ҳар ким билан ҳам чиқишиб кетавермасди. Заҳро шунинг учун ҳам яхши куёвга чиқишни, ҳаёти фаровон ўтишини ўйларди. Энди яна ўша янгаси қошига борадими? Асло. «Адасига инсоф бериб қолар», дея умид қилади. Эрининг ҳамма хўрликларига чидади. Равшан ҳар гал тўполон кўтарганида, «Бу ногирон болалар меники эмас, қаердан орттирган бўлсанг, ўша ёққа олиб бор» дейдиган гап чиқарди. Учинчи фарзандлари Шаҳноза туғилганидан кейин шифокор Мунира опа Заҳродан «Эрингиз ичадими?» деб сўраганида ҳам «йўқ» деб эрининг айбини яширди. «Алданманг, синглим, ароқ шунақа зарарли нарсаки, бевосита наслнинг заиф-мажруҳ туғилишига сабабчи бўлади. Ахир сизнинг барча фарзандларингиз ногирон бўлиб туғилди-ку». Шифокорнинг бу аччиқ, аммо асосли гапига Заҳро эътироз билдиролмади. Бошини қуйи эгиб, жим қолди.

Заҳро яхши билади, улардан 4 та уй нарироқда яшайдиган қўшнилари Муслимжон ва Холидахонларнинг Умиджон деган фарзандлари уларнинг ягона қувончи, суянган тоғи. Ажабки, шу суянган тоғ — Умиджон заиф туғилган, сўзларни яхши талаффуз қилолмас эди. Муслимжонлар фарзандлари соғлиғи яхшиланиши учун елиб-югурмаган шифохоналари-ю шифокорлари қолмади. Ана фарзандга бўлган меҳру оқибат. Равшан эса ўз фарзандларини кўргани кўзи йўқ. Гўё болаларининг носоғлом туғилганига биргина хотини айбдордек. Бора-бора Заҳронинг сабр косаси тўлиб-тошди ва биринчи марта эрига тик қараб гап қайтарди.

Бугунги зарбнинг кучли, тўполоннинг ҳар галгисидан кескинроқ бўлишига Равшаннинг отаси Мансур ака ҳам сабабчи. Чунки қариб қуйилмаган Мансур аканинг ўзи ҳам ҳамон ичкиликдан қайтмаган, кайфи ошиб қолганида невараларини ёмон кўриб кетар, келинига «Бу болаларни йўқот, болалар уйига топшириб юбор, сенга булар нима каромат кўрсатишарди» дея зуғум қилар, бу гапдан Заҳронинг юрак-бағри тилка-пора бўларди. Аммо қайнотасига қарши бирор қаттиқ сўз айтмас, индамай кетаверарди. Аммо бугун у чидаб туролмади. Биринчи марта эрига ҳам, қайнотасига ҳам тик қараб ҳақиқатни айтди: «Бу болаларни мен кўчадан орттириб келмаганман-ку, ногирон, эси паст бўлса, аслида бунга ичкилик айбдор-ку». Шундан сўнг Заҳрога кучли мушт келиб тушди-ю ўзини йўқотиб қўйди.

Заҳро нима қилсин, дардини кимга айтсин?

Ҳурматли газетхон! Заҳронинг қисматидан бохабар бўлдингиз. У бечора она қанчадан-қанча яхши ниятларни ўйлаб шу болаларни 9 ой қорнида асраб-авайлаб, туғилгандан сўнг болаларининг аҳволини кўриб, улар тақдирига куйинсинми ёки умид билан бир ёстиққа бош қўйган жуфти ҳалолининг аччиқдан-аччиқ дашномларига куйинсинми? Бу ҳам етмаганидек, 70 ёшли қайнотаси унга сабр бериш ўрнига, худодан қўрқмай, бемаъни гаплар билан ҳақорат қилишларига куйсинми? Хуллас, сиз, азиз газетхонлардан шу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларингиз битилган мактубларни кутамиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

Билиб қўйган яхши

ТЎЙИБ УХЛАШНИНГ СИРИ

Ҳар уч кишидан биттаси тўйиб ухлашни орзу қилади. Бошқача қилиб айтганда кўпчилик уйқусизликнинг ҳар хил турларидан қийналади. Москвалик физиолог В. Козлов тўйиб ухлаш ҳақида қуйидаги тавсиялардан фойдаланишни таклиф қилади.

◆ Ухлашдан аввал хона ҳароратига катта аҳамият бериш керак. Ухлаш хонаси 14-18 даража иссиқ бўлса мақсадга мувофиқдир.

◆ Ёток хонасида телевизор бўлмасин, чунки тунги кўрсатувларга қизиқиб қоласиз. Яхшиси ёнбошлаб ётиб, бироз ўқинг.

◆ Ухлаш олдидан бир стакан сутга 2 та чой қошиқда шакар ёки асал аралаштириб ичинг.

◆ Ётоқхонангиз қоронғи бўлсин. Атрофдан ҳам ҳеч қандай чироқ тушмасин.

◆ Агар тунда уйғониб кетсангиз, ҳеч маҳал ўринда чўзилиб ётманг. Чунки у тарафга, бу тарафга ағдарилиб уйқунгиз келмайди. Ўрнингиздан туриб, бир неча дақиқа бошқа хонада ўтиринг.

◆ Ухлашга фақат ўзингизда қаттиқ чарчоқ сезганингизда ётинг. Агар имкон бўлса, ўша заҳотиёқ.

◆ Кечқурун фақат енгил таомлар истеъмол қилинг. Кока-кола, қаҳва ёки чой ичишдан парҳез қилинг.

◆ Бирон нарсадан жаҳлингиз чиқиб ёки газабланиб, уйқуга ётманг. Барибир ўша нарсани айни тун чоғи ўзгартира олмайсиз.

◆ Уйқу дорисини ичишдан ўзингизни тийинг. Жуда бўлмаганда озгина ичиш мумкин. Яхшиси бу ҳақда врач билан маслаҳатлашинг. Уйқу дорисидан кўра табиий неъматлардан фойдаланганингиз маъқулроқ.

◆ Тўшакда тамаки тутатманг. У сизни яна ҳам ҳаяжонлантиради. Бунинг устига ёнғин чиқиши ҳам мумкин.

◆ Шифобахш гиёҳлар қўшиб тайёрланган илиқ ванна ҳам сизга яхши ёрдам беради.

◆ Жундан тўқилган пайпоқни совуқ сувда хўллаб, сиқиб, кийиб олинг.

◆ Оёғингизни 35-40° ли иссиқ сувнинг буғида қиздиринг.

◆ Лаванда, хмел, валериана, атиргул ва апельсиндан тайёрланган хушбўй ёғлар ҳам яхши ухлашингизга ёрдам беради.

◆ Ухлашдан аввал фақат яхши нарсалар ҳақида ўйланг. Яхши ниятлар қилинг. Бугун қилган савоб ишларингиз ва эртанги яхши ишлар ҳақида ўйланг.

Баҳриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

Бу — қизиқ

ЭҲ, БАЛАНД ПОШНАЛАР

Агар аёл доим баланд пошнали туфли кийиб юрадиган бўлса, унинг оёқ панжасига худди оғир атлетикачи штанга кўтараётган каби юк тушади. Вақт ўтиши билан бармоқларнинг «болишчаси» оғрийдиган бўлиб қолади, оёқ тез-тез «қайрилиб» кетади.

Бармоқларда оғриқ пайдо бўлиши уларда табиий эгилувчанлик, майинлик йўқолганидан далолат беради. Бўғимнинг тез-тез чиқиши, болдир-товон бўғимининг бўшашиб қолганини билдиради. Баланд пошнали туфлида юрганда оёқ тез чарчайди, одам худди сакраган-га ўхшаб юради. Баланд пошнали туфлида юришни ёқтирадиган аёллар қуйидагиларни билиб қўйсалар фойдадан холи бўлмайди. Кун давомида баланд пошнали, баландлиги ўртача ёки паст пошнали пойабзални галмагал алмаштириб кийиш лозим. Эрталабки гимнастика машқларида товонни бутунлай босиб, чўққайиб ўтириш, шунингдек, қум, ўт-ўланлар устида кўпроқ ялангоёқ юриш, сакраш, хонада эса калта пайпоқ ёки таги юмшоқ шиппак кийиб юриш жуда фойдалидир.

Дилдора СОДИҚОВА.

Ҳаракат хавфсизлиги

КЎРИКДАН АЪЛО ЎТДИ

Яқинда пойтахтдаги бошқа корхона ва ташкилотлардаги каби «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига қарашли «Шарқ зиёкори» фирмаси автохўжалигида ҳам транспорт воситалари навбатдаги техник кўрикдан ўтказилди.

— Тасарруфимизда 72 та транспорт воситаси бор, — дейди гараж мудири Озодбек Юнусметов. — Шулардан 42 таси енгил автомобиллардир. Қувончли томони шундаки, уларнинг бари техник кўрикдан аъло ўтди. Зеро, Носир Тўхтаев, Муҳаммаджон Бобожонов, Аброр Тиллаев каби ҳайдовчилар ўзлари бошқараётган машиналарнинг ҳамиша шай бўлишига алоҳида эътибор билан қарайдилар. Қолаверса, Абдужаббор Абдуқодиров каби таъмирловчи механикларимиз автоуловларнинг доим соз бўлишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Шу куни мазкур корхона транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш комиссияси раиси, Тошкент шаҳар ИИБ ЙҲХНБ ТНБ инспектори, милиция капитани Х. Турсунбоев ҳам бу ердаги машиналарнинг ҳолатидан мамнун эканлигини алоҳида таъкидлади.

Даврон АҲМАД.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар ИИБ ЙҲХНБ ТНБ инспектори милиция капитани Х. Турсунбоев навбатдаги машинани техник кўрикдан ўтказмоқда.

Муаллиф олган сурат.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!
ҲАМЗА ТУМАНИ МЕҲНАТ ОРГАНИ ТУМАНДАГИ МАВЖУД КОРХОНАЛАРДАГИ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРАДИ:

1. **«Подъёмник» АЖ**	**Нукус кўчаси, 14. Т. 55-79-70**
— муҳандис-технолог	— 10000
— дастгоҳларни таъмирловчи чилангар	— 12000
2. **«Тош ПМК» ЖҲ**	**Жарқўрғон кўчаси, 22а. Т. 96-68-50**
— баланд кран машинисти 4-6 даражали	— 20000
— котиба-машинистка	— 8695
— электрпайвандчи (қўлда) 5-6 даражали	— 35000
3. **«Сантехникажиҳозлари» ЖҲ**	**Жарқўрғон кўчаси, 22. Т. 96-79-05**
— темир йўл назоратчиси	— 5428
— таржимон	— 12600
— боғбон	— 5250
— токарь 5-6 даражали	— 19000
— чилангар 4-6 даражали	— 12500
— полиэтилен маҳсулоти тахловчиси	— 21700
— электрчилангар 4-6 даражали	— 18000
— иш юритувчи	— 17500
4. **«Ўзпўлатконструкция» трестининг 1-кур. мон. бош-си**	**Жарқўрғон кўчаси, 22. Т. 96-08-03**
— темир-бетон тикловчиси	— 20000
— электрпайвандчи (қўлда)	— 20000
5. **Материал-техника таъминоти базаси**	**М. Ашрафий кўчаси, 70. Т. 93-31-82**
— газ ўчоғи оператори	— 6270
— маркетинг бўйича муҳандис	— 17600
— электромонтёри 6-даражали	— 9550
— дастгоҳларни таъмирловчи чилангар	— 8600
6. **«Тошшаҳарнури» КК МКТБ**	**Чехов кўчаси, 2. Т. 133-49-86**
— электртикловчи 2-5 даражали	— 15000
7. **«1-Автокорхона» ОТАЖ**	**Шамсутдинова кўчаси, 3. Т. 90-90-14**
— ҳайдовчи «Д» тоифали	— 18000
— чипта сотувчи	— 10000

Ҳамза тумани меҳнат органи манзили М. Ҳасанова кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 96-33-40; 96-45-71.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Акмал Икромов тумани ҳокимлиги ва меҳнат органи 18 май куни «Бўш иш жойлари ва вакант лавозимлари» ярмаркасини ўтказади. Агарда ярмаркага ташриф буюрсангиз тумандаги корхоналардаги бўш иш жойларидан, қўшимча ҳунар ўрганиш учун яратилаётган имкониятлардан бохабар бўласиз.

Ярмарка Фарҳод бозори рўпарасидаги автомобиллар тўхташ майдонида соат 9.00 дан — 15.00 гача давом этади.

Транспортлар: автобуслар: 8, 13, 20, 41, 79, 116, 125; троллейбус: 13; трамвайлар: 4, 9, 17.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар жамғармаси, туман меҳнат органи 19 май куни «Бўш иш жойлари ва вакант лавозимлар» ярмаркасини ЎТКАЗАДИ

Ярмарка «Тошкент трактор заводи» давлат акционерлик жамиятига қарашли маданият саройида соат 9.00 дан 13.00 гача давом этади.

Транспортлар: автобуслар — 1, 16, 17, 24, 101. «ТТЗ маданият саройи» бекати.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-367.

Босмага топшириш вақти 11.30

Топширилди 14.10

1 2 3 4 5 6